

ПАРЛАМЕНТДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан келиб чиқиб, Омбудсман 2025 йилда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш, соҳага оид миллий қонунчиликни ҳамда миллий превентив механизмини такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш каби устувор вазифалар тўғрисида тайёрланган маърузасини Қонунчилик палатасига тақдим этди.

Маърузада келтирилганидек, ўтган йил мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, унга риоя этилишини мониторинг қилиш, фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, аҳоли ва давлат органлари вакилларининг ҳуқуқий онгини ҳамда хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларига мунтазам кириб туриш орқали маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида Омбудсманнинг ўрни ва роли сезиларли даражада ошди.

Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган.

Қўлланилган таъсир чоралари 2024 йилга нисбатан 7,0 фоизга, 2023 йилга нисбатан эса 14,0 фоизга ошган. Уларнинг ижроси асосида ундирилган ва ундирилиши белгиланган маблағлар эса қарийб 1,8 млрд сўмни ташкил этган. Шунингдек, Омбудсман томонидан ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга 36 та тақдимнома киритилиб, уларнинг 72,2 фоизи ижобий ҳал этилган.

Омбудсман ва жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга 954 та мониторинг ташрифлари амалга оширилган. Бунинг натижасида жазони ижро этиш муассасаларида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлашга эришилган.

Депутатлар Омбудсманнинг 2025 йилдаги фаолияти якунлари бўйича тақдим этган маърузасида қийноққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган мониторинглар сони ва сифати ўсиб бораётганини алоҳида эътироф этишди.

Шу билан бирга, Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти якунлари бўйича тақдим этган маърузасини ижобий баҳолаб, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Мажлисида Омбудсман фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилиб, кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Бугун иқтисодиётнинг замонавий талаблари электрон савдо ва рақамли хизматларни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Шу муносабат билан парламент мажлисида бу соҳани қонуний тартибга солувчи қонун лойиҳаси моддама-модда муҳокама қилинди.

Депутатлар электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишди.

Ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг шу йил 6 январь куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан уни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар берилган эди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида электрон тижорат соҳасидаги истеъмолчилар муомаласига кириб бораётган янги йўналишлар — электрон савдо платформаси, буюртмалар агрегатори ва рақамли стриминг хизмати ҳамда уларнинг операторлари тушунчалари аниқлаштирилди. Шунингдек, трансчегравий

ОМБУДСМАН МАЪРУЗАСИ ВА ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



электрон тижорат атамасига таъриф берилиб, унинг тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги қоидалар киритилди.

Мажлисида қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар иқтисодиётдаги яширин айланмалар ҳажмини қисқартириш ҳамда электрон тижорат муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексидagi гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар аҳоли саломатлиги ва генотондига қарши жиноятлар сифатида алоҳида бобга бирлаштирилмоқда.

Жиноят кодексидagi мазкур бобда наркотикларнинг ноқонуний муомаласига ҳокимият (мансаб) ваколатларини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш ҳамда ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги нормалар белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга эса гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун жавобгарликни белгилаш назарда тутиляпти. Бундан ташқари, бу турдаги жиноятлар қайта содир этилишининг олдини олиш мақсадида жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генотондини асраш, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг қонунга хилоф муомаласини чеклашга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисида, шунингдек, маъмурий суд ишларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий, халқаро стандартларга мос механизмларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларга, шунингдек, "Давлат божи тўғрисида"ги қонунга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун лойиҳасида маъмурий суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган янги институт ва тартиблар ҳам назарда тутилмоқда. Хусусан, маъмурий судларда дастлабки эшитув институти жорий этилмоқда. Ушбу босқич суд муҳокамасига далилларни тўплаш, даъво талабларини аниқлаштириш ҳамда тарафларни келиштириш

иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларга, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга, шунингдек, "Судлар тўғрисида"ги ҳамда "Давлат божи тўғрисида"ги қонунларга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, маъмурий суд ишларини юритишда ҳуқуқи бузилган шахснинг танловига кўра, иқтисодий суд ишларини юритишда эса тарафларнинг келишувига асосан экстерриториал судлов механизмининг жорий этиш таклиф этилмоқда. Бунда ишни экстерриториал тартибда кўрадиган суд автоматлаштирилган ахборот тизими орқали белгиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, иқтисодий судлар тузилмасини оптималлаштириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш мақсад қилинган. Бунинг доирасида туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судлари тугатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларида туманлараро иқтисодий судлар фаолиятини йўлга қўйиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасидаги яна бир муҳим янгилликка кўра, агар қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзгатирилган бўлса ва даъво аризаси мазкур иш доирасида кўрилиши лозимлиги сабабли кўрмасдан қолдирилса, тўланган давлат божи қайтарилиши белгиланмоқда.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълумки, Конституциявий суд судьялари, Олий суд раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари, Судьялар олий кенгаши раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади. Уларни сайлаш тўғрисидаги масала Сенатнинг навбатдаги мажлисида Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан ҳал қилинади.

Ушбу қонун лойиҳаси билан судьяликка номзодларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш таклиф этилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунга юқорида кўрсатилган лавозимларга сайлаш учун номзодлар дастлабки

тарзда Олий Мажлис Сенатининг масъул қўмитаси томонидан кўриб чиқилиши ҳамда кўриб чиқиш якунлари бўйича қўмита томонидан хулоса қилиниши билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — парламент назорати фаолиятининг асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунларга парламент қўмиталари томонидан давлат органлари раҳбарларининг Конституция ва қонунларни, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича ахборотини эшитиш ваколатини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартириш киритилмоқда.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги қонунга қўшимча киритилиб, депутат ва сенатор палатага ҳисобдор орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини нафақат палата мажлисида, балки эндиликда ўзи аъзо бўлган қўмита мажлисларида ҳам эшитиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақлилиги назарда тутилмоқда.

"Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддаларига ҳам ўзгартириш киритилиб, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўмиталари томонидан давлат органлари раҳбарларининг Конституция ва қонунларни, Олий Мажлис палаталари ва уларнинг органлари қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича ахборотини эшитиш ваколати аниқ белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Шунингдек, ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси С.Тошбоевнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотини эшитиш ҳақида қарор қабул қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.**

МУНОСАБАТ



Анваржон НУРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Исломобод шахрида ўтказилган Ўзбекистон–Покистон Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши олий даражадаги сиёсий мулоқотни институционал асосга кўчирди. Бу эса икки томонлама келишувларнинг тизимли амалга оширилиши ва парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Музокаралар жараёнида иқтисодий ҳамкорлик асосий устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди. Сўнгги беш йилда ўзаро савдо ҳажмининг 2,5 бараварга ошгани ва яқин келажакда уни 2 миллиард долларга етказиш вазифасининг қўйилиши икки мамлакат

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

иқтисодий салоҳиятининг ўзаро уйғун эканини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика, электротехника, тоғ-кон ва озиқ-овқат саноати соҳаларида умумий қиймати 3,5 миллиард долларга тенг бўлган инвестиция ва кооперация лойиҳалари портфели шакллантирилди.

Транспорт ва логистика соҳасидаги келишувлар, айниқса, Трансфғон темир йўли ҳамда минтақавий транспорт йўлақларини ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё бозорларига чиқиш стратегиясида Покистоннинг муҳим ҳамкор эканини яққол намоён этди. Бу лойиҳалар нафақат иқтисодий, балки геостратегик аҳамиятга ҳам эга.


Ташриф доирасида имзоланган кўплаб ҳужжатлар – имтиёзли савдо, порт хизматлари, рақамли технологиялар, экология, фавқулодда вазиятларни бошқариш, коррупцияга қарши курашиш соҳаларидаги келишувлар ҳамкорликнинг

кенг қамровли ва комплекс тус олганини англатади.

Маданий-гуманитар соҳада Исломободда Тошкент кўчаси ва буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган кўча ва боғни барпо этиш тўғрисидаги қарорлар халқларимиз ўртасидаги тарихий яқинлик, маънавий муштараклик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Президентимизга Покистоннинг етакчи университети томонидан фахрий доктор ва профессор илмий унвонларининг тақдим этилгани таълим ва илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакат муносабатларининг энг мустаҳкам ва истиқболли йўналишларидан бири эканини яққол намоён қилди.

Ушбу юксак эътироф нафақат давлатимиз раҳбарининг таълим ва инновация соҳасидаги ислохотларига берилган баҳо, балки Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги академик ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва маънавий



яқинликнинг рамзи сифатида ҳам намоён бўлди.

Президент Асиф Али Зардорий томонидан давлатимиз раҳбарига Покистоннинг олий мукофоти – “Нишони Покистон” орденининг топширилиши эса кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги умумий саъй-ҳаракатларнинг муносиб эътирофи ҳамда Ўзбекистон халқига дўстона

муносабат ва чуқур ҳурмат ифодасидир.

Умуман олганда, мазкур ташриф Ўзбекистон – Покистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, иқтисодий ривожланиш, транспорт интеграцияси, хавфсизлик ва гуманитар ҳамкорлик соҳаларида аниқ ва амалий натижаларни таъминлайди.

ИНСОН-ЖАМИЯТ-ДАВЛАТ



Санжар СОБИРЖОНОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгаши депутати.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Аҳоли ҳаётида долзарб бўлган электр таъминоти, ичимлик суви, йўллар, бандлик, ижтимоий хизматлар, таълим, соғлиқни сақлаш каби масалалар ўз-ўзидан давлат сиёсатининг кун тартибига чиқиб қолмайди. Уларни кўтарадиган, асослайдиган ва ечимини талаб қиладиган вакил керак бўлади. Депутат айнан шу вазифани бажаради: у маҳалладаги муаммони “якка шикоят” даражасида қолдирмасдан, уни тизимли масалага айлантиради, сабаб-оқибатини кўрсатади ва масъул идораларнинг эътиборини тортади. Иш бажарилишини ва амалий ечим топилишини талаб қилади.

Вакиллик ҳокимиятининг очикликдаги ўрни эса бугунги демократик бошқарувнинг энг асосий тамойилларидан биридир. Очиклик деганда фақат матбуотда чиқиш ёки расмий хабар бериш эмас, балки қарорлар қаердан келиб чиқаётгани, нимага асосланаётгани ва кимнинг манфаатини кўзлаётгани ҳақида фуқароларга тушунarli тарзда изоҳ бериш назарда тутилади. Депутатлар бу жараённинг табиий “катализатори” ҳисобланади - улар аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, давлат органлари фаолиятига жамоатчилик нигоҳини олиб қиради. Зотан, очиклик – бу шунчаки ахборот бериш эмас, балки жавобгарликни кучайтиришдир. Очиклик бўлмаган жойда шубҳа кўпаяди, очиклик кучли бўлган жойда эса ишонч ва ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Замонавий бошқарувда депутатнинг масъулияти, аввало, “халқ номидан гапириш” эмас, балки “халқ манфаатини натижага айлантириш” билан ўлчанади. Бу ерда депутатнинг масъулияти бир неча қиррада намоён бўлади. Биринчидан, у муаммоларни тўғри тартиблашни билиши керак: қайси масала

САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ВА ОЧИҚЛИК

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ МУҲИМ МЕЗОН

шошилинч, қайси бири тизимли, қайси бири тез ҳал бўлади, қайси бири босқичма-босқич ечим талаб қилади. Иккинчидан, аҳоли муаммосини далил, жой, сабаб ва оқибат билан кўрсатиб бериш, ташкилотлардан аниқ жавоб ва ижро механизмини талаб қилиш лозим. Бу профессионал депутатлик ёндашуви ҳисобланади. Учинчидан, депутат мулоқотни “бир марталик учрашув” деб эмас, узлуксиз жараён деб кўриши, тўртинчидан, адолат мезонига таяниши зарур.

Депутатлик институтининг яна

бир муҳим аҳамияти шундаки, у жамиятдаги турли манфаатлар мувозанатини таъминлайди.

Давлат сиёсатида ҳам, маҳалла ҳаётида ҳам турли эҳтиёжлар тўқнаш келади: кимдир йўл сўрайди, кимдир сув, кимдир иш, кимдир ижтимоий ёрдам. Ана шундай вазиятда депутат “энг оқилона ва адолатли ечим” йўлини танлаши керак. Бу эса таҳлил, мулоҳаза, далил ва жамоатчилик билан маслаҳатлашувни талаб қилади. Очик жамият сари қадам айнан шундан бошланади: муаммо яширилмайди, муҳокама этилади, қарор ёпиқ қабул қилинмайди, тушунтирилади, ижро назоратсиз қолмайди, текширилади.

Шу боис, депутатлик институтининг жамиятдаги роли ва масъулияти фақат қонуний ваколатлар билан эмас, балки халққа қанчалик яқин ва узлуксиз алоқада бўлиши билан белгиланади. Айнан мана шу эҳтиёж депутатлар фаолиятида халқ билан бевосита мулоқотнинг янги, самарали шакллари жорий этишни тақозо қилмоқда – сайёр қабуллар, маҳаллалардаги учрашувлар, юзма-юз суҳбатлар ҳамда очик мулоқот майдонлари орқали жамият билан янада яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Бугунги депутатлик фаолиятининг энг муҳим мезони – халқ билан мулоқот ҳақида сўз борар экан, сайёр қабуллар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиздир. Ушбу мулоқот шакли депутатнинг “кабинети”дан чиқиб, сайловчилар муаммосини жойида ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўришга ундайди. Аксарият ҳолларда фуқаролар бир масала билан турли идораларга мурожаат қилиб ҳам ечим топа олмайди ёки муаммо ҳужжатларда “бор”

бўлса-да, жойида унинг асл кўлами ва оқибати бошқача бўлиб чиқади. Сайёр қабул эса масалани масъулларни бир нуқтага жамлаб, муҳокамани амалий ечимга йўналтириш имконини беради. Энг муҳими, сайёр қабул фуқароларда ишончни кучайтиради. Бу ишонч депутатлик институтининг реал самарадорлигини ҳам, жамоатчилик фаоллигини ҳам оширади.

Маҳаллаларда учрашувлар – халқ билан мулоқотнинг яна бир муҳим шакли бўлиб, у нафақат муаммоларни эшитиш, балки фуқароларнинг умумий кайфияти, эҳтиёжлари ва истиқболдаги кутаётган натижаларини аниқлашга хизмат қилади. Учрашувларда кўпинча бир хонадонга тегишли муаммо эмас, балки бутун маҳалланинг тизимли масалалари кўтарилади: инфратузилма, ижтимоий хизматлар сифати, хавфсизлик, экологик ҳолат, ёшлар бандлиги кабилар. Бундай учрашувлар депутатга ҳудудни статистика орқали эмас, реал ҳаётдаги манзара орқали кўриши учун шароит яратади.

Фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлар эса депутатлик фаолиятининг энг “нозик” ва энг таъсирчан шакли ҳисобланади. Чунки баъзи муаммолар омма олдида айtilмайди: оилавий низолар, ижтимоий ҳимоя, ногиронлиги бўлган шахслар масаласи, болалар тарбияси ёки айрим маиший қийинчиликлар шахсий ёндашувни талаб қилади. Юзма-юз суҳбат депутатга мурожаатнинг туб сабабини чуқурроқ билиш, фуқарони тинглаш, масаланинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ечим топиши учун туртки беради. Бундай мулоқот депутатнинг халқдан узоқ эмаслигини, инсоний дардни “қоғоздаги рақамлар” эмас,

УМУМАН ОЛГАНДА, ХАЛҚ БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИ ДЕПУТАТНИНГ ХАЛҚ ҲАЁТИДАН, ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИДАН УЗОҚДА ЭМАСЛИГИНИ АМАЛДА ИСБОТЛАЙДИ.

ҳаётий ҳолат сифатида қабул қилаётганини кўрсатади. Айнан шу жиҳат жамиятда ишончни мустаҳкамлайди: фуқаролар депутатни “расмий шахс” эмас, ўз манфаатларининг ҳимоячиси сифатида кўра бошлайди.

Очик мулоқот майдонлари бугунги шароитда мулоқотни тизимли ва оммавий тусга келтиришга хизмат қилмоқда. Бу форматда депутат нафақат муаммоларни тинглайди, балки амалга оширилаётган ишлар бўйича жамоатчиликка тушунтириш беради, фуқароларнинг таклифларини йиғида, баҳс-мунозара ва фикр алмашув орқали энг мақбул ечимларни шакллантиришга ҳаракат қилади. Очик мулоқот майдонлари жамоатчилик назоратини кучайтиради: масъуллар ҳам, депутатнинг ўзи ҳам ўз фаолияти натижасини одамлар олдида кўрсатишга интилади. Энг муҳими, бундай майдонлар жамиятда муҳокама маданиятини ривожлантиради.

Умуман олганда, халқ билан бевосита мулоқотнинг барча шакллари депутатнинг халқ ҳаётидан, қувонч ва ташвишларидан узоқда эмаслигини амалда исботлайди.

Алишер Навоий таваллудига 585 йил


ГЎЗАЛ ХУЛҚ ВА БУЮК ИЖОД СОҲИБИ

Қадимдан муаззам Шарқ ўзининг юксак маънавий олами, маърифати билан дунёга устозлик қилиб келган. Бу ўз-ўзидан адабиётда, хусусан, бизнинг мумтоз шеъриятимизда бетакрор бадий ифода билан акс этган, десак янглишмаган бўламиз. Одоб-ахлоқ, инсоний фазилатлар, халқ манфаати, ёшларга эътибор билан боғлиқ қарашлар ҳазрат Алишер Навоий ижодида ўзига хос фалсафага, таъбир жоиз бўлса, фундаментал асосга эга яхлит концепцияга айланган.

Алишер Навоий асарларини варақлар эканмиз, ҳар сафар бизни ҳайратга соладиган фикрлар, ғоялар ва ифодаларга дуч келамиз. Бу ул зотнинг ижоди нечоғли серкатламлиги ва маъно товланишларига эга эканлигидан далолатдир. Шунинг учун ҳам ҳазрат Навоийнинг асарларини умрбоқий деб атаймиз. Шунинг учун ҳам улардаги ғоялар ҳар қандай замон ва маконда дастуриламал бўлиб хизмат қила олади.

Ҳазрат Навоийнинг барча асарларини бирлаштириб турувчи умумий ғоя – комил инсон ғоясидир. Шоирнинг барча ғазаллари, дostonлари ва ахлоқий-таълимий асарлари моҳиятида комил инсоннинг турли хислат ва фазилатлари ёритилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Алишер Навоий одам боласининг юксалиши, руҳий поклиги ҳақида фикр юритар экан, Яратган муқаррам қилиб қўйган инсон ўз шаънига муносиб бўлиши лозим, бунинг учун эса у гўзал ахлоқ билан шарафланиши керак, деган ғояни илгари суради. “Хамса”нинг мундарижавий дostonи ҳисобланмиш “Ҳайрат ул- аброр”да комил инсон эга бўлиши лозим хислатлар: иймондан тортиб, адолат, хайру саховат, адаб, қаноат, вафо, ростгўйлик каби масалалар мақолат ва ҳикоятлар мисолида босқичма-босқич, даражама-даража баён этиб берилади. Буюк мутафаккирнинг фикрича, гўзал ахлоқ билан инсон ўз тийнати, борлиғини гўзаллаштирар экан, бу ўз-ўзидан унинг қадру қиммати янада баланд бўлишига олиб келади.

Шоир ўз асарларида халқ манфаатлари учун қайғуриш, бунёдкорлик билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Масалан, “Хамса” дostonлари қаҳрамонлари ҳисобланмиш Фарҳод, Искандар каби



қаҳрамонлар ўзларининг истеъдод ва кучларини юртни гўзаллаштиришга сарфлайдилар. Шоирнинг фикрича, ободлик, бунёдкорликка бош бўлиш, аввало, шoҳнинг зиммасидадир. Сўнг қолганлар унга эргашади, халқ дуо қилади:


**Биное тарх қилмоққим ҳамеша,
Эл этгай шаҳ дуосин анда пеша.**
Алишер Навоий инсонларни ҳалол ҳунар воситасида турмуш кечиришга ундар экан, бировга қарам ва боқиманда бўлишдан кескин қайтаради. Ҳатто ўзганинг ганж – хазина беришидан кўра пешона тери билан бир дирҳам топиш аълороқ деб ҳисоблайди:

**Бир дирам олмоқ чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки биров берса ганж.**
Шоирнинг “Назм ул-жавоҳир” асаридан ўрин олган рубойларидан бирида ўз касбига эга бўлган инсоннинг қафти зар олади, унинг икки қўли ҳалол ризқи – дирҳам топишда қийналмайди, ҳунарсиз инсон ҳамиша ранж чекади, чунки ҳунар инсоннинг қўлидаги ганж эрур деган файласуфона фикр берилади:

**Косиб кунжи кафи зар олгинчи эрур,
Икки қўли мезони дирамсанжи эрур,
Ким бўлса ҳунарсиз иши – ўқ ранжи эрур,
Бу важҳ илаким, ҳунари ганжи эрур.**

Қайта-қайта ҳайратга солувчи жиҳатларнинг барчасини ҳазрат Навоийда топа оламиз. Тарихда шоирлар бор – тарки дунё қилиб ҳаёт кечириб ўтганлар. Тарихда шоирлар бор – ҳукмдорларга бош эгиб, улар билан муроса қилиб яшаганлар. Тарихда яна кўплаб шоирлар бор – буюк ижод соҳиб, лекин уларда юксак шахсиятни, йирик амалий ишларни кўрмаймиз. Яна айта оламиз – олам шундай шахсларни кўрдики, улар бунёдкор, улар давлат арбоби: қасрлар, шаҳарлар, масжид ва мадрасалар кўрдилар, одамларнинг корига ярадилар. Лекин уларда буюк бадий ижодни топмаймиз. Алишер Навоий ҳазратларида эса бу икки жиҳат мужассам эди: ҳам ақлни лол қолдирувчи бадий хазина, ҳам кеча-кундуз халқнинг хизматида камарбаста бўлиш.

Ҳазрат Навоий фақат ўзи учун ёки атрофидаги беш-олти киши учун ёзмаган. Мақсад одамларга фойда келтириш экан, буюк шоир ҳузурига келганларни қайтара олмас эди, уларнинг ҳам дардини эшитиб, йўл-йўриқ кўрсатиб, мушкулларини осон қилиб берар эди. Шу ўринда бир ҳақиқат ойдинлашади: Алишер Навоий ўз асарларида юксак инсонпарварлик ғояларини тарғиб этди ва шу сабаб бу асарлар ҳамон дунё аҳлини лол қолдирмоқда, чунки шоирнинг ҳаётида унинг ёзганлари яққол акс этиб туради. У зотнинг айтган сўзи ва қилган ишларида фарқ бўлмаган. Алишер Навоийнинг эътиқоди ва ҳаёт тарзи ўртасида тафовут бўлмаганлиги учун ҳам биз ҳамиша у зотдан ҳайратдамиз. Фарбда “Даҳоларнинг гуноҳларини кечириш мумкин” деган тушунча бор. Лекин Алишер Навоий учун ҳар қандай буюк шахс, буюк даҳо, аввало, ИНСОН боласи, у шу номга лойиқ бўлиши керак. Тарихчи Хондамир Навоий ҳазратларига бағишлаб “Мақорим ул-ахлоқ” рисоласини ёзган. Асар номига эътибор қаратинг: “Гўзал (олижаноб) хулқлар”. Тарихчи буюк ишлар демаяпти, буюк ижод ҳам демаяпти, юксак ахлоқ деяпти. Бу таъриф орқали Алишер Навоийнинг юксак маънавияти, маърифий дунёси Хондамир сиймосида ўз давридаги одамларни ҳам ҳайратга солганлиги маълум бўлади.



Бугунги кунда – халқимиз эрк бўлогидан баҳраманд бўлиб яшаётган бир паллада буюк бобомизнинг орзулари амалга ошаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Юртимизда маҳалла, ёшлар ва оила манфаатларига жамиятнинг ҳар бир бўғинида алоҳида эътибор қаратилаётгани, фарзандларнинг қамолоти учун жон куйдирилаётгани Алишер Навоий асарларидаги эзгу ғоялар безаволлигини, халқимиз ҳаётининг ажралмас бўлаги сифатида яшаб қолаверишини яна бир қарра исботлайди.

**Дилнавоз ЮСУПОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети профессори, филология
фанлари доктори.**



14 февраль — Захирiddин Муҳаммад Бобур таваллуд тогган кун

БОБУР ТАЛҚИНИДА КОМИЛ ИНСОН

**Ким бор анга илм толиби илм керак,
Ўрганғали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илме йўқ,
Мен бормен илм толиби илм керак.**

Бобурнинг ўзи ҳам барча дунёвий ва илоҳий билимларни етарли даражада ўзлаштирган донишманд инсон эди. “Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва қамолотлари бешумдорир”, – дейди бу ҳақда Ҳасанхожа Нисорий. Умри уруш-юришларда ўтган бўлишига қарамай, у имкон топди дегунча ўқиш ва ёзишга машғул бўларди. Унинг шоир, адабиётшунос олим, муаррих, фақиҳ, таржимон, мураббий, хаттот ва мусикашунос сифатидаги серқирра фаолияти ва сермахсул ижоди бунинг ёрқин намунасидир.

Бобур фарзандлари ва қариндошларининг ҳам илм олиши учун астойдил ғамхўрлик қилган. Чунончи, “Мубаййин” (“Фикҳи Бобурий”) асарини у ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон Мирзоларга атаб, уларнинг шарият илмларини яхши эгаллашларига ёрдам сифатида яратган. Ёки жиёни Мирзо Ҳайдарнинг илм олиши учун қилган ғамхўрликлари, унга яратиб берган шароитларни олайлик. Кейинчалик муаррих бўлиб етишган Мирзо Ҳайдар тоғасининг яхшиликларини меҳру муҳаббат билан эслайди.

Комил инсон учун талаб қилинадиган кейинги талаб-нафс тарбияси ва яхши инсоний фазилатларни ўзлаштириш, ўзидаги барча қусурларни маҳв этиш, нафснинг ёмонликлари, ундан қутулиш лозимлиги ҳақида Бобур ўзининг маснавийларидан бирида шундай ёзади:

**Нафснинг касбидур ҳавою хавас,
Рўҳ олидадур булар ғарас.
Нафс душмандурур яқин билгил,
Дўстдур, бу сўзумни чин билгил.**

**Душманедур, агарчи ўтру эмас.
Лек бир лаҳза сендин айру эмас.
Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,
Жисминг уйда ўғридектур нафс.**

Луқмони Ҳакимдан: “Барча дўстлардан ҳам азиз душман қайси?” деб сўраганларида, у: “Нафс”, деб жавоб берган экан. Бобур нафсга жисм уйидаги ўғри сифатини беради, зеро, у вужудни ичдан емирадиган ички душмандир.


Бу душманни зарарлантириш учун уни ўзингга бўйсундиришинг, жиловини қўлингга олишинг керак. Бундай инсонга бўйсунган нафсини донишмандлар нафси ҳамида, яъни гўзал нафс дейдилар.

Комилликнинг яна бир шарти ҳаммага яхшилик қилиш, эл билан яхши муомалада бўлиш, хайру саховат намуналарини кўрсатиш ва бошқа эзгу инсоний фазилатларки, шоирнинг бир қатор шеърларида улар улуғланади. Яхшилик, яхши ном қолдириш – мумтоз адабиётда куйланиб келган энг асосий мавзулардан бирики, Бобурнинг энг машҳур ғазалларидан бири шу ҳақда эканлиги маълум.

Комил инсон – ҳам Ҳақ, ҳам халқ ризосини қозонган киши. Шоир бир рубойида шунга даъват этади:

**Носиҳ сўзи санга неча мардуд ўлғай,
Яхшию ямон қошингда нобуд ўлғай.
Бори эмди маош бир навъ этким,
Ҳақ рози-ю, олам эли хушнуд ўлғай.**

Бобурнинг ақидаси ва ҳаётий тажрибасига кўра, ҳар ким қилмишидан топади: яхши одам ёмонлик қилиши мумкин эмас, ёмон қимсага эса яхшилик ҳайф; худди шундай вафо қилган вафо кўради, жафо қилган жафо. Бу фикрлар унинг шеърий ҳикмат даражасига кўтарилган қуйидаги рубойида ўзининг ёрқин ифодасини топган:



**Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.**

**Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.**

Хулоса қилиб айтганда, Бобур учун комил инсон қандайдир самовий, мавҳум бир зот бўлмай, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, касбу ҳунарда баркамол, илму донишда ўз даврининг пешқадами, барча эзгу фазилатларни ўзида жамлаган реал, ҳаётий шахс. Бугина эмас. У ўзининг барча илми, ҳунари, тажрибаси, бойлиги, имкониятларини эл-юрт манфаати учун сарфлаши керак. Буюк зотлар учун ҳақиқий одамийлик – халқ оғирини енгил қилишда, эл хизматида камарбаста бўлишда кўринади. Аслида ҳамма даврлар ва замонларда ҳам ҳақиқий комил инсон худди шундай бўлиши – ўзини халқи ва Ватани бахту саодати йўлида фидо қилиши керак!

**Эргаш ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институту бўлим мудири, филология
фанлари номзоди, профессор.**



КАСБИЙ ТАЪЛИМ: СИФАТ ВА ИМКОНИЯТЛАР

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан Қарши шаҳридаги Касбий кўникмалар марказида Вазирлар Маҳкамасининг “Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича жамоатчилик эшитув итказилди.

Унда вилоятдаги касбга ўқитиш тизимининг бугунги ҳолати, ёшлар бандлигини таъминлаш ва 2026 йилдаги режалар ҳақида сўз борди.

Таъкидландики, бугун ҳудудларда камбағаллик даражасини қисқартириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, аҳолини касбга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда муҳтож қатламни манзилли қўллаб-қувватлаш умуммиллий ҳаракат сифатида белгиланди. Шундан келиб чиқиб, Касбий кўникмалар маркази жойларда ҳамда Қарши шаҳридаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчилари билан узвий алоқаларни йўлга

қўйган.

Ишсиз, реестрда турувчи, мигрантлар ва бошқаларни касб-хунарга ўқитиш бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланган. Йил давомида ишсиз ёшларни касбга тайёрлашда ҳамкорлик қилинади.

Бугун вилоят ёшлари анъанавий касблар билан бир қаторда замонавий йўналишларда ҳам ўқитилмоқда. Йигит-қизлар ошпазлик, тикувчилик, автосервис сир-асрорларини ўрганиш билан бирга, компьютер дизайни, қуёш панеллари монтажи ва ҳатто сунъий интеллект муҳандислиги каби йўналишларни ҳам пухта ўзлаштирмоқда.

Билимли, касб-хунарни пухта ўзлаштирган кадрларга эҳтиёж борлигини инобатга олсак, техникумларда ўз ихтисослигини мукамал эгаллайдиган йигит-қизлар келгусида ишсиз қолмаслиги аниқ. Масалан, ёшлар нафақат маҳаллий корхоналарга, балки Германия, Россия каби давлатларга ҳам кафолатли ишларга юборилаётгани бунинг яққол исботидир.

2025 йил 30 декабрь ҳолатига кўра, 2385 нафар фуқаро ўқув курсларини битирган ва улардан 2338 нафарининг бандлиги таъминланган.

Қарши шаҳридаги “Санам”, “Универсал-нур”, “Осмон гули” Туркия-Россия қўшма

“

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ КАСБИЙ КўНИКМАЛАР МАРКАЗИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ “КАМБАҒАЛ ВА ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ўқитиш тизимини ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА МЕХНАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ бўйича қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР тўғрисида”ги ҚАРОРИ ижроси бўйича ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ ўТКАЗИЛДИ.

корхоналари буюртмалари асосида хотин-қизлар тикувчилик, қандолатчилик ва дизайн соҳалари ва ошпазликка ўқитилиб, сертификат топширилган.

Шунингдек, 95 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро инклюзив таълим асосида касб-хунарга ўрганган. Бунинг учун марказ

махсус ўқув-методик материаллари, сурдо таржимаси ва видеодарслари билан таъминланган.

Бундан ташқари, марказ Миграция агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий филиали билан ҳамкорликда хорижий мамлакатларга ишлаш учун кетаётган ва “labor-migration” дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари, хорижий тиллар ва касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келяпти. Бу ерда инглиз, рус, корейс ва немис тиллари мукамал ўргатилади.

Қайд этилдики, ҳозир Қашқадарё вилоятдаги 53 та техникумда 171 та касб ва мутахассисликлар бўйича 43,3 минг нафар ўқувчилар таҳсил олмақда. 2026 йилда вилоятдаги 2 та техникум реконструкция қилиниши, 7 таси мукамал таъмирланиши ва техникумларга бириктирилган корхоналар томонидан жорий таъмирлаш ва моддий-техник базани яхшилаш чоралари кўрилиши белгиланган.

Маърузаларда Қашқадарё вилоятида илғор касбий маҳорат техникуми ташкил этиб, ушбу техникум базасида Германия билан ҳамкорликда “Таълим ва технологиялар маркази” фаолияти йўлга қўйилиши айтилди. Шунингдек, 2026 йилда 2 та техникумда Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда “Хитой — Ўзбекистон устахонаси”, 10 та техникумда немис таълим дастурлари тўлиқ жорий этилиши билдирилди.

Барча техникумларда вақтинча ишсиз ва Ижтимоий ҳимоя реестрида турган 7 минг нафар фуқаролар қисқа муддатли курсларда ўқитилиб, сертификатларга эга бўлишади.

Жамоатчилик эшитувида депутатларга масъуллар соҳадаги муаммолар бўйича ўз таклифларини билдиришди. Хусусан, Қарши шаҳридаги Касбий кўникмалар маркази жойлашган бинога эгалик ҳуқуқини олишда кўмаклашиш кераклиги айтилди. Ваучер асосида ўқитилаётган айрим касбларнинг муддатини узайтириш, марказда фаолият юритаётган хунараманд-уста ва иқтидорли ёшларнинг малакасини, тажрибасини ошириш мақсадида хорижий давлатларга юборишга оид қонуний асосларни такомиллаштириш таклифлари берилди.

Эшитув якунида 2026 йилдаги режаларни такомиллаштириш мақсадида ушбу масалани сессия кун тартибига киритиш режалаштирилди.

Шахло ХУДОЙҚУЛОВА,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши бўлим бошлиғи.

МУЛОҲАЗА

КАТТА ШАҲАРЛАРИМИЗ ФАҚАТ КАТТАЛАР УЧУНМИ? БОЛАЛАР-ЧИ?



Шоҳруҳ ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти раиси
ўринбосари.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Кўп ҳолларда болаларимизнинг интернет ва ижтимоий тармоқларга боғланиб қолаётгани тарбия ёки технология муаммоси сифатида талқин қилинапти. Аслида эса бу шаҳар ва жамоат муҳити болалар учун жозибасиз бўлиб бораётганининг очик белгисидир.

Болалар табиатан ҳаракат қилишга, ўйнашга, атрофни ўрганишга ва тенгдошлари билан мулоқот қилишга эҳтиёж сезади. Лекин кўплаб жамоат жойлари бу эҳтиёжларга жавоб бермайди: ўйнаш мумкин бўлмаган майдонлар, доимий тақиқлар, хавф баҳонасидаги чекловлар, бола учун қизиқ бўлмаган ҳудудлар. Натижада бола ташқи муҳитдан узилади. Шу пайтда кўлидаги гаджет энг осон ва доимий “муқобил макон”га айланади. У ерда ўйин бор, ҳаракат иллюзияси бор, қизиқиш бор. Демак, бола телефонни танлаётгани йўқ, аксинча, у шунчаки тақлиф қилинаётган ягона қизиқарли муҳитдан фойдаланаяпти, холос. Асл муаммо болалар учун жонли, хавфсиз ва қизиқарли жамоат жойларининг етишмаслиги билан боғлиқ.

Шаҳарсозлик ва жамоат жойларини лойиҳалашда кўп

ҳолларда болалар манфаатлари унутилади. Катталар учун қулай бўлган маконлар болалар учун ноқулай ва зерикарли бўлиши мумкин.

Жамоат жойларида болаларни асраш деганда фақат тақиқлаш тушунилади: чикма, тегма, ўйнама, югурма... Натижада бола ўзини эркин ҳис қила олмайди. Хавфсизлик – бу ҳар томонлама қулай муҳит дегани. Масалан, юмшоқ ер қопламаси, хавфсиз жиҳозлар, машиналар қатновидан ажратилган ҳудудлар болани чекламайди, балки асрайди.

Болалар майдончалари фарзандларимизнинг жисмоний ва ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Лекин савол туғилади: биздаги болалар майдончалари ҳақиқатан шу вазифани бажараяптими? Кўп жойларда ўйин майдончалари бир хил, ранг-баранглик йўқ. Кўпидан бир хил манзара – иккита беланчак, битта сирпанчик, тамон!

Бугунги шаҳар муҳитида автомобиль ҳаракати кўп ҳолларда устувор ҳисобланади. Кўп қаватли уйлар олди автотураргоҳга айланган, пиёда йўлаклари тор, ўйин майдончалари эса кам. Бундай шароитда болалар қандай қилиб эркин ҳаракат қилсин?!

Янги уй-жойларни реклама қилаётган аксар қурилиш ташкилотлари ҳам, аввало, “кенг парковка”ни афзаллик сифатида кўрсатади. Гўё уйнинг



энг катта ютуғи машинага жой топилгани. Аммо шу ҳудудда бола ўйнайдиган, югурадиган, хавфсиз ҳаракат қиладиган макон борми? Бу савол кўпинча жавобсиз қолади. Биз машиналар учун қулай шаҳар қураёلمизми ёки одамлар учунми? Агар танлов автотураргоҳ ва болалар майдончаси ўртасида бўлса, қайси бири устун бўлиши керак?

Шу нуқтаи назардан аҳоли манзилларида автотураргоҳларни кўпайтириш ўрнига болалар учун ўйин ва ҳаракат маконларини кўпайтириш масаласи биринчи ўринда туриши долзарбдир. Бунинг баробарида ногиронлиги бўлган болалар ҳам жамоат муҳитида тенг имкониятга эга бўлиши шарт. Инклюзив ечимлар нафақат болаларга, балки кекса ва имконияти чекланган катталарга ҳам қулайлик яратади.

Европанинг қатор шаҳарларида мактаб атрофидаги кўчалар дарслар бошланишидан олдин ва тугагандан кейин маълум вақтга ёпилади. Бу орқали транспорт хавфи камаяди, болалар ўйнайди, ота-оналар ўзаро мулоқот қиладди. Бу катта харажат талаб қилмайдиган, лекин кучли ижтимоий самара берадиган ечим ҳисобланади. Қолаверса, мактаб ўқувчилари билан юзага келадиган йўл- транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва камайтиришда салмоқли ҳисса қўшади.

Шаҳарсозлик қоидалари, қурилиш рухсатномалари ва янги қурилиш лойиҳаларини тасдиқлашда болалар манфаатини алоҳида мезон сифатида киритиш вақти келди. Шаҳарсозлик кодекси,

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда бир қатор ушбу йўналишдаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш зарур. Янги қурилиш меъёрларига болалар муҳити стандартларини киритиш, ҳар бир турар жой лойиҳаси учун мажбурий ўйин ҳудуди, мактаб атрофида хавфсиз кўчалар ва инклюзив майдонча талаблари белгиланиши айна зарурат.

Унутмайлик, болалар телефонни танламаяпти, балки уларда бошқа танлов қолмаяпти. Агар шаҳарларимиз болалар учун эркин ҳаракат қилиш, ўйнаш ва хавфсиз мулоқот имконини берса, ижтимоий алоқалар ва жисмоний ҳаракат фаолиятини чеклайдиган, ижодий салоҳият ривожига тўсқинлик қиладиган виртуал оламга қарамлик, шубҳасиз, чекинади.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТГА БАХШИДА УМР

**Олимлик ҳаммага ҳам
насиб этавермайдиган улугъ
мартаба. Игна билан қудуқ
қазиш каби машаққатли,
элу юрт, жамият,
бани башар ривожини
белгилаб берувчи илм-
фан оламида юксак
даражада эътироф этилиш
эса камдан-кам инсонга
ато қилинадиган саодат.
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
академиги, иқтисодиёт
фанлари доктори,
профессор Қаландар
Абдурахмонов ана шундай
замондошларимиздан.**

80 йиллик юбилейи республикамиз бўйлаб кенг нишонлаётган бу олимнинг ҳаёти ва фаолияти илм-фан, маърифат ва мамлакат иқтисодий тафаккурини ривожлантиришга фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Унинг билими, тажрибаси ва кўп йиллик меҳнати янги авлод мутахассисларини тайёрлаш ва Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса бўлиб қўшилди.

1946 йил 2 февралда Қашқадарё вилоятида туғилган Қаландар Абдурахмонов мактаб таълимидан сўнг Г. В. Плеханов номидаги Москва халқ ҳўжалиги институти (ҳозирги Россия иқтисодиёт университети) ни тамомлаб, аспирантурага йўллана олди. Ёш олим 1973 йилда «Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги корхоналарида ишчи кадрларни тайёрлаш муаммолари» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Унинг педагогик фаолияти 1973 йилдан Тошкент давлат иқтисодиёт университетиде бошланди. Ўқитувчиликдан кафедра мудиригача, доцентликдан профессоргача, «Умумий иқтисодиёт» факультети декани ўринбосаридан Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректоригача, сўнгра Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали директори лавозимигача бўлган йўлда қаҳрамонимиз янги олимлар авлодини тарбиялаш ишига ҳамиша содиқ қолди.

Йиллар ўтгани сайин унинг касбий фаолияти доираси тобора кенгайиб, нафақат ўқитувчилик ва маъмурий ишларни, балки илмий-тадқиқотлар, нашрлар ва халқаро ҳамкорликни ҳам қамраб олди. Қаландар Ходжаевич доимо қатъий академик ёндашувни талабаларга бўлган самимий қизиқиш, ҳамкасбларини руҳлантириш ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш қобилияти билан уйғунлаштира олди. Унинг маърузалари ҳақиқий воқеликка, илмий ишлари эса иқтисодий фанига қўшилган муҳим ҳиссага айланди.

Ўнлаб йиллар давомида у қўллаб авлод олимлари ва ўқитувчилари учун устоз, маслаҳатчи ва таянч бўлиб, уларнинг дунёқарашини,

касбий маҳорати ва билимга бўлган муҳаббатини шакллантирди. Унинг раҳбарлигида тадқиқот мактаблари ташкил этилди, инновацион лойиҳалар амалга оширилди.

Академик Қ. Абдурахмонов ҳақли равишда Ўзбекистон меҳнат иқтисодиёти муаммолари бўйича илмий мактабнинг асосчиси ҳисобланади. Унинг номи мамлакат замонавий иқтисодиёт фанининг муҳим қисмига айланган ушбу йўналишнинг шаклланиши ва ривожланиши билан узвий боғлиқдир. У яратган илмий мактаб меҳнат муносабатлари, бандлик ва инсон капиталини таҳлил қилишга бўлган ёндашувларни белгилаб берувчи олимлар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларни бирлаштирди.

Олимнинг илмий мероси ўз кўлами ва географияси билан ҳайратда қолдиради. Унинг монографиялари, дарслик ва ўқув қўлланмалари нафақат Ўзбекистонда, балки сарҳадларимиздан анча олдиде — АҚШ, Германия, Франция, Португалия, Норвегия, Хитой, Малайзия, Индонезия, Финляндия, Жанубий Корея, Япония ва Россияда нашр этилган. Бу ишлар академик муҳитда кенг тан олинди, дунёнинг турли мамлакатларидаги талабалар, ўқитувчилар ва мутахассислар учун муҳим билим манбасига айланди.

Олимнинг илмий меросида етти марта қайта нашр этилган фундаментал «Меҳнат иқтисодиёти» дарслиги алоҳида ўрин тутди. Кўп йиллар давомида у минглаб талабалар, аспирантлар ва тадқиқотчилар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди ва бир неча авлод иқтисодчиларининг профессионал тафаккурига шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Ҳатто саксон ёшлик довонни забт этган бўлса-да, олимнинг интеллектуал қуч-ғайрати ва илмий маҳсулдорлигига ҳавас қилса арзийди.

2025 йил унинг илмий биографиясида чинакам муҳим босқич бўлди. Айнан шу даврда таҳлилнинг теранлиги ва муаммолар қамрови бўйича тенги йўқ фундаментал асарлар нашр этилди. Россияда чоп этилган 740 саҳифали «Современная экономика труда» («Замонавий меҳнат иқтисодиёти») монографияси иқтисодий назария ва амалиёт ривожига қўшилган салмоқли ҳисса бўлди. Монографияда муаллиф кўп йиллик тадқиқот тажрибасини умумлаштирган ҳолда, глобал технологик ва цивилизацион ўзгаришлар шароитида меҳнат бозори трансформациясининг яхлит манзарасини тақдим этди.

Шу йили Тожикистон ва АҚШда чоп этилган «Иқтисоди меҳнат дар асри зеҳни сунъий» ва «Labor Economics in the Era of

Artificial Intelligence» китоблари Қаландар Абдурахмоновнинг илмий ғояларини глобал академик маконга олиб чиқди. Айниқса, олимнинг сунъий интеллект, рақамлаштириш, “яшил” иқтисодиёт ва барқарор ривожланишнинг замонавий меҳнат бозорига таъсирига бағишланган тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу ишларда Қ. Абдурахмонов нафақат юз бераётган ўзгаришларни қайд этади, балки ХХІ асрда меҳнат муносабатлари ва инсон капиталини ривожлантиришга концептуал ёндашувларни таклиф қилиб, келажакнинг илмий парадигмасини шакллантиради.



Қаландар Ходжаевичнинг бугунги кунда ҳам тинимсиз бойиб бораётган илмий мероси ҳақли равишда Ўзбекистон иқтисодиёт фанининг интеллектуал пойдевори ҳамда жаҳон иқтисодий тафаккурига қўшилган салмоқли ҳисса сифатида эътироф этилади. Унинг илм-фанга садоқат билан хизмат қилиши — ҳақиқий илм ёшда чегара билмаслигини, чинакам олим эса унинг фикри, тажрибаси ва донишмандлигига эҳтиёж бор экан, ҳамиша сафда қолишини ишончли тарзда исботламоқда.

Академик Қаландар Абдурахмоновнинг энг асосий ва чинакам бебаҳо бойлиги унинг шоғирдлари ҳисобланади. Айнан уларда олим илмий тақдирининг, унинг ғоялари ва маънавий қудратининг барҳаёт давоми намоён бўлади. У лекциялар ўқиган аудиториялардан ўнлаб фан докторлари ва номзодлари, юзлаб магистр ва бакалаврлар етишиб чиқди, улар устознинг илмий маданияти, тафаккурга талабчанлиги ҳамда билишга бўлган самимий ва жўшқин иштиёқини ўзига сингдириб олдилар.

Ярим асрдан зиёд давом этаётган педагогик фаолият бутун бир тадқиқотчилар авлоди шаклланиши даврига

айланди. Улар учун Қаландар Ходжаевичнинг номи Устоз деган юксак шарафли ном билан уйғунлашиб кетди. У Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Илмий кенгаш раиси сифатида қўллаб ёш олимларнинг камол топишида, уларнинг илм-фанда илк ишончли қадамларини қўйишида ва ўзининг тадқиқотчилик овозини топишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Унинг илмий раҳбарлигида юзга яқин фан номзодлари ва докторлари тайёрланди. Олим томонидан асос солинган «Инсон капитали ва сунъий интеллект» илмий мактаби иқтисодиёт фанининг классик

Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиалига раҳбарлик қилар экан, академик Қаландар Абдурахмонов халқаро илмий ҳамкорликнинг мустаҳкам кўприкларини бунёд этиш, таълим дастурларини ривожлантириш ва янги авлод мутахассисларини — глобал иқтисодиёт даъватларига нафақат жавоб беришга қодир, балки уларни ижодий равишда ва жасорат билан ислоҳ қила оладиган кадрларни шакллантиришда давом этмоқда. Унинг таълим ва илм-фан борасидаги қарашлари академик қатъият анъаналарини замонавий дунё динамикаси билан уйғунлаштиради ва унинг ҳар бир лойиҳасини мамлакат ҳамда халқаро ҳамжамият учун чинакам инновацион ва аҳамиятли қилади.

Қ. Абдурахмонов қўллаб фахрий мукофот ва унвонлар билан тақдирланган. У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочиси, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда бошқа қатор хорижий ва халқаро академиялар аъзоси. Бу унвонлар унинг ғоялари юксак қийматга эга эканлиги, билимларининг теранлиги ва жаҳон илм-фанига қўшган чексиз ҳиссасининг далолатидир.

Ўзининг улугъвор ёшида ҳам академик Абдурахмонов ёш авлодга таълим бериш, тадқиқотларни бошқариш, мақола ва монографиялар ёзиш, конференцияларда иштирок этиш ва илмий журналларни таҳрирлаш ишларини тинимсиз давом эттирмоқда. Унинг илмий қизиқишлари сунъий интеллектдан “яшил” иқтисодиётгача, рақамлаштиришдан барқарор ривожланишгача бўлган энг долзарб ва илгор йўналишларни қамраб олган. Олимнинг ҳар бир иши, ҳар бир чиқиши ва ҳар бир устозлик ўғити — янги авлод олимлари қалбиде билимга интилиш оловини ёқувчи учқундир.

Бундай толмаслик қучи ва оташқалблик шунчаки феъл-атвор ҳусусияти эмас, балки ўзини илм-фан ва жамиятга хизмат қилишга бағишлаган инсоннинг ҳаёт фалсафаси, асл миссиясидир. Унинг ҳаётга теран ёндашуви ва идеаллари устоз аудиторияси ва илмий мактабларидан ўтган, унинг тадқиқотга бўлган жўшқин иштиёқи ва илмий тафаккурнинг юксак стандартларини қабул қилган юзлаб шоғирдлари учун ҳаётий эътиқодга айланди.

**Нигина РАҲИМОВА,
«Ижтимоий фикр»
жамоатчилик фикрини
ўрганиш маркази директори,
иқтисодиёт фанлари доктори.**

БУГУННИНГ ГАПИ

**Иқтисодиёт ва молия
вазирлигида макроиқтисодий
кўрсаткичлар ва давлат бюджети
юзасидан белгиланган асосий
вазифалар бўйича очиқ мулоқот
бўлиб ўтди. Унда вазирлик
масъуллари, жамоатчилик
вакиллари ҳамда журналистлар
иштирок этди.**

Очиқ мулоқот доирасида 2026 йил учун Давлат бюджетни параметрлари, режалаштирилаётган тушумлар ва асосий харажат йўналишлари, бюджет интизомини мустаҳкамлаш каби масалалар қаторида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида жорий этилаётган янгиликлар юзасидан маълумот берилди.

– Мамлакатимизда 1 февралдан “Ташаббусли бюджет” жараёнларининг 2026 йилги 1-мавсуми доирасида лойиҳа киритиш босқичи бошланди, – дейди Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджетни сиёсати департаменти бошлиғи Шерзод Муҳаммедов. – Утган йилдан бошлаб “Ташаббусли бюджет” жараёни доирасида кетма-кет икки мавсумда ғолиб бўлган маҳаллалар учун навбатдаги икки мавсумда лойиҳа киритишни чеклаш амалиёти жорий этилганди. Шунга кўра, янги мавсумда 1 минг 253 та маҳалла қатнашмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, амалдаги тартибга кўра, 23 та туман (шаҳар)даги мавжуд маҳаллалар сони 15 ва ундан камни ташкил этгани боис, ушбу туманлардаги маҳаллаларга танаффус қўлланмади.

Эътиборли жиҳати, танаффус қўлланган маҳаллалар томонидан

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”НИНГ ЯНГИ МАВСУМИДА

1 минг 253 та маҳалла қатнашмайди

шерикчилик асосида лойиҳаларни илгари суриш имконияти мавжуд. Бунда фуқаролар лойиҳа қийматининг 50 фоиз қисmini молиялаштира, қолган қисми Давлат бюджетидан ажратилади ҳамда мазкур лойиҳа автоматик тарзда ғолиб бўлади. Шерикчилик лойиҳалари учун овоз тўплаш талаб этилмайди.

1-мавсумда лойиҳа киритиш босқичи 20 кун давом этади. Энг катта янгиликларда яна бири, эндиликда Олий Мажлис депутатларига тегишли округдаги ғолиб бўла олмаган 1 тадан лойиҳани қўшимча равишда ғолиб деб эълон қилиш имконияти берилди.

Тадбирда, шунингдек, Давлат ижтимоий суғурта жамғармасининг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилдан бошлаб ҳусусий секторда ишловчиларнинг ҳомилдорлик ва туғиш нафақасини давлат ташкилотларидаги каби бир хил миқдорда тўлаш тартиби йўлга қўйилмоқда. Шу билан бирга, жорий йил 1 июлдан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ҳам тўлай бошланади. Тўловлар ҳусусий ва давлат корхоналари бўлиmlарига бир хил тартибда, Давлат ижтимоий суғурта



жамғармаси орқали амалга оширилади.

Маълумот учун. 2026 йилда Ўзбекистонда ҳомилдорлик ва туғиш нафақасига Давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм ажратилиши белгиланган. Бинобарин, мазкур турдаги нафақа учун 2025 йилда давлат ташкилотларидаги аёлларга 1 триллион сўм, ҳусусий сектордагиларга 40 миллиард сўм

тўланган. Жорий йилда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси учун бюджетдан 864,4 миллиард сўм ажратилади. Утган йилги бюджет параметрларида бундай тўловлар кўзда тутилмаган эди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

Жамиятда алимент масаласи кўпинча пул билан боғлаб талқин қилинади. Аслида эса ундай эмас. Бу фақат моддий таъминот эмас, балки ота-онанинг фарзанд олдидаги ахлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий масъулиятидир. Чунки оиланинг бўзилиши ота-оналик мажбурияти тугади, дегани эмас. Аксинча, бундай ҳолларда айна масъулият янада кучаяди. Эсингизда бўлса, ўтган йили Фарғонада ота алимент бўйича чиққан жанжал оқибатида хотини ва 2 ёшли қизини пичоқлаб ўлдиргани ҳақида хабарлар тарқалган эди. Навоийда эр ажрашаётган хотинини алиментдан воз кечмагани учун машинада уриб кетди. Суд қарорида кўрсатилган мажбурият, яъни фарзанди таъминотидан бўйин товлаб, яшириниб юрган ота тунги клубдан топилди. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тўғри, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича эътиборга молик ишлар талайгина. Жумладан, 2025 йил давомида “Масъулиятли ота-оналик” дастурлари доирасида 22 минг нафар ота-она ҳамда 30 мингга яқин низоли оилалар ўқитилган. Ўқувларда асосий эътибор ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, масъулияти ва жавобгарлигига қаратилган.

Шунингдек, ота-оналар масъулиятини оширишга бағишланган 10 га яқин номдаги ўқув қўлланмалари, 40 дан зиёд тарғибот материаллари тайёрланган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори бир ойлик минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаслиги юзасидан қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар тайёрланган.

“Алимент тўловлари” жамғармасини шакллантириш манбалари янада кенгайтирилиб, Мажбурий ижро бюроси ривожлантириш жамғармасининг ҳар ойлик даромадларининг харажатларига нисбатан ортиқча бажарилган қисми ҳисобидан жамғармага маблағ йўналтириш тизими жорий қилинган.

Аммо шунга қарамай, судларда ҳам бу бўйича муаммолар ишлар кўп. Оталикни белгилаш муаммолари, ёлғиз оналар сони ҳеч камаймаяпти.

Ажрашиш ҳолатлари йилдан- йилга ортиб бориши ўз навбатида, алимент ундиришга оид ижро ҳужжатлари сони ошишига олиб келмоқда.

Газетамизнинг ушбу сониди биз айна мавзунинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларига тўхталишни жоиз топдик.

ПУЛ ЭМАС, БОЛАНИНГ ҲАҚҚИ...

Ажрашиш билан ота-оналик тугамайди. Уйлар ажралиши мумкин, лекин бола ажралмайди. Алимент масаласи жамиятимизда ҳануз нотўғри тушунилади. Кимдир уни жазодек қабул қилади, кимдир “мажбур бўлиб бериладиган пул” деб ҳисоблайди. Аслида эса алимент — бу боланинг қонуний ва ҳаётий ҳаққи. Бу боланинг овқати, кийими, дарси ва эртанги куни учун. Шу маънода бунга мажбурият сифатида эмас, ота-оналик масъулияти, виждон иши, деб қараш ўринли бўлади.

Ўтган йилнинг 19 декабрь куни Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори суд ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш чоралари, тизимни рақамлаштириш, ундирувнинг янги механизмлари, алимент соҳасидаги муаммолар ва ишга тиклаш масалалари ҳақида гапирди.

МИБ директорининг сўзларига кўра, алимент масаласи энг муаммоли йўналишлардан бири.

2020 йилда алимент бўйича 338 мингта ижро ҳужжати бўлган бўлса, 2025 йилда бу рақам 41 фоизга кўпайган.

2025 йилда 2,7 трлн сўм алимент ундирилган, бу 2024 йилга нисбатан 915 млрд сўмга кўп. Маълум бўлишича, 23670 нафар ишсиз алимент тўловчи ишга жойлаштирилган, 12870 та оила яраштирилган, 14747 нафар қарздор маъмурий жавобгарликка тортилган, 1149 таси бўйича жиноят иши қўзғатилган.

Кўриниб турибдики, рақамлар кичкина эмас. Энг ачинарлиси, ҳар бир рақам ортида минглаб болалар тақдири турибди.

Аслини олганда, алиментдан қочиш қонундан қочиш эмас, фарзанддан юз ўгиришдир. Бола ота-онанинг келишмовчилигида айбдор эмас. У танламаган ҳаёт учун жавоб беришга мажбур бўлмаслиги керак. Чунки алимент бу боланинг ҳаққи.

ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Қонунчилигимизга кўра, ота-она фарзандини боқишга тенг мажбур. Никоҳ сакланиб қолганими ёки бекор қилинганми — бу мажбурият ўзгармайди.

Кўп учрайдиган ҳолатларга назар ташлайдиган бўлсак, 1 нафар бола учун — даромаднинг 25 фоизи, 2 нафар бола учун — 33 фоизи, 3 ва ундан ортиқ



бола учун — 50 фоизи ундирилади. Агар расмий даромад бўлмаса, қатъий пул миқдорида белгиланади. Бу миқдор боланинг минимал эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Қонун бор. Суд қарори бор. Ижро ҳужжатлари ҳам мавжуд. Аммо ҳаётда бошқа манзара кўринади. Кўплаб ҳолларда алимент кечиктириб тўланади, даромад яширилади, расмий иш жойи атайлаб кўрсатилмайди. Хўш, алиментнинг ҳуқуқий моҳияти аслида қандай?!

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Алимент — ажрашганлар масаласи эмас, болалар тақдири аслида. Ажрашиш икки катта одамнинг қарори бўлиши мумкин. Лекин бу қарорнинг энг оғир юкини кўпинча бола кўтаради.

Конституциямизга мувофиқ, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Ота-она ўзларининг вояга етмаган болаларига, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларини моддий таъминот билан таъминлашга масъулдирлар. Мазкур талабга риюя этилмаган тақдирда даъвогарнинг талаби билан суд томонидан жавобгардан қонунчилик асосида ундириш чоралари кўрилади.

Қонунчилигимизга кўра, алимент тўлашдан бўйин товлайдиган қарздорларни жавобгарликка тортиш белгилаб қўйилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик 15 кун муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлиши мумкин. Ёки маъмурий қamoқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга БҲМнинг 20 баравари миқдорида жарима солиниши белгиланган.

Фуқаро томонидан алимент тўлашдан бош тортиш деганда, шахснинг алимент тўлаш мажбуриятини айбли равишда бажармаслиги, хусусан, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тузиш ҳақидаги таклифни рад этиш, турар жойини ёки иш жойини яшириш тушунилади.

Фуқародан судлар ўзлари қабул қилган суд ҳужжатлари асосида бериладиган, суд буйруқлари, алиментларни тўлаш тўғрисидаги нотариал тарздаги тасдиқланган келишувлар ёки чет эл судлари ва арбитражларининг қарорлари асосида берилган ижро варақалари орқали алимент ундирилади. Мазкур ҳужжатлардаги алимент билан боғлиқ мажбуриятни бажармаганлик учун эса фуқаро белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Суд амалиётида алимент одатда даромаднинг маълум фоизи сифатида ёки қатъий белгиланган пул миқдорида ундирилади.

Шунингдек, алимент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида пул ёки натура тарзида олинган барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади. Чет эл валютасида олинадиган даромадлар алимент

ундириладиган кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сўмларда ҳисобланади.

Бу механизм фарзанднинг минимал эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлса-да, амалиётда кўплаб муаммолар мавжуд. Масалан, алиментдан бўйин товлаш, расмий даромадни яшириш, алиментни кечиктириб тўлаш ёки умуман тўламаслик, алиментни “мажбурий жазо” сифатида қабул қилиш ҳолатлари кўп учрайди.

Алимент олиш бу вояга етмаган болаларнинг, шунингдек, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз фарзандларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқидир. Фарзандларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эса биз, ота-оналарнинг мажбуриятимиз ҳисобланади. Давлатимиз томонидан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий механизмлар яратилган ва бу қонун ҳужжатларимизда мустаҳкам асосга эга.

ПСИХОЛОГЛАР ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ?

Унида ТУРГУНОВА, Чилонзор туман оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг бош психологи:

— Алимент масаласи фақат молиявий эмас, балки тарбиявий ва руҳий жиҳатдан ҳам муҳимдир.

Айрим ота-оналар алиментни собиқ турмуш ўртоғига берилаётган пул сифатида кўради. Ваҳоланки, бу маблағ фарзанд учун ажратилади. Натижада зарар кўрадиган томон — бола бўлиб қолмоқда.

Тасаввур қилинг, отасини кўтиб юрган болалар қанча? Баъзи мурғак қалб эгалари нафақат меҳрдан, балки энг оддий таъминотдан ҳам мосуво.

Тўғри, пул вақтида берилса ҳам, меҳр ўрнини боса олмайди. Аммо бола учун меҳр — фақат сўз эмас, амалдаги ғамхўрликдир.

Алимент катта сумма бўлмаслиги мумкин. Аммо у боланинг кўзидаги “мени унуттишмади” деган ишончини сақлаб қолади. Бу бола учун “мен сен учун керакман” деган сигналдир.

Бир нарсани унутмайлик. Алимент — жазога ўхшаш қарор эмас. Бу — виждон ўлчови. Фарзанд ота-онанинг душманлиги учун эмас, меҳр ва масъулият учун туғилади.

Тўғри, алимент тўлаш — мажбурият, аммо бу қайсидир маънода ота-оналик шаънидир. Алимент — бу кимнингдир кўнглига қараб бериладиган ёрдам эмас, бу қонун билан белгиланган боланинг ҳаққи. Бу инсонийлик ҳуқуқи аслида.

Алимент билан боғлиқ муаммолар, молиявий танқисликлар болада ўзини паст баҳолаш, руҳият чўкиши, хавотирлилиқ, агрессияни келтириб чиқаради. Боланинг руҳиятига “мен кераксизман”, деган қарашларни сингдиради.

Хўш, ечим нимада? Аввало, алимент мажбурият эмас, ота-оналик давоми сифатида тушунтирилиши керак. Судларда оилавий психологлар иштирокини кучайтириш зарур, деб ўйлайман. Ижро билан бирга психологик реабилитация ишларини ҳам кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Маҳаллаларда ота-она ролини қайта англатиш бўйича суҳбатларни кўпайтириш керак.

Унутмайлик, болалар билан муносабатимиз жароҳат билан эмас, ишонч билан тузилиши керак. Ота ёки она

меҳридан мосуво бўлиб ўсаётган кўнгли синиқ болалар кўпаяётгани эса яхши эмас...

АЛИМЕНТ БҲИЧА ЭНГ КЎП БЕРИЛАДИГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

Саволларга ҳуқуқшунос Аҳмад Одилов жавоб берди:

– Алимент қандай тартибда ундирилади?

– Вояга етмаган болани таъминлаш учун алимент тўлаш тартибини ота-она ўзаро келишув асосида белгилаши мумкин. Агар мазкур мажбурият ихтиёрий равишда бажарилмаса, алимент суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи асосида ота ёки онадан ундирилади.

– Алимент қайси вақтдан ундирила бошлайди?

– Алимент судга мурожаат қилинган кундан бошлаб ундирилади. Агар судга мурожаат қилишдан олдин болани таъминлаш учун чоралар кўрилгани, аммо алимент тўлаши лозим бўлган шахс тўловдан бош тортгани аниқланса, суд ўтган давр учун ҳам алимент ундиришга ҳақли. Бунда алимент судга мурожаат қилинган кундан олдинги уч йиллик давр доирасида ундирилиши мумкин.

– Алимент қачонгача тўланади?

– Вояга етмаган болага алимент у вояга етгунига қадар тўланади. Аммо вояга етган бола учун ҳам алимент белгиланади. Чунки ота-она вояга етган, меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож фарзандларини таъминлаш мажбуриятига эга. Бу таъминот ота-она ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади. Агар келишувга эришилмаса, масала суд тартибда ҳал қилинади.

– Алимент тўлаш фақат отанинг мажбуриятими?

– Йўқ. Вояга етмаган болаларни моддий таъминлаш ота-она учун тенг мажбурият ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, болага алимент тўлаш фақат отанинг эмас, онанинг ҳам бурчидир.

– Қўшимча моддий харажатлар ҳам ундириладими?

– Боланинг оғир жароҳат олиши, касал бўлиши ёки бошқа истисно ҳолатлар сабабли келиб чиққан қўшимча харажатларда ота-она иштирок этиши шарт. Бу харажатлар боланинг таъминоти учун зарур бўлган ҳолларда ундирилади.

– Алиментни олдиндан, бир йўла тўлаш мумкинми?

– Мумкин. Вояга етмаган бола учун алимент у вояга етгунига қадар бўлган давр учун олдиндан тўланиши мумкин. Бунда алимент пул шаклида ёки кўчмас мулк, кўчар мулк ёхуд бошқа қимматли мол-мулкни бериш орқали амалга оширилиши мумкин.

Суд мажбур қилиши мумкин, лекин виждонни мажбур қилиб бўлмайди. Алимент — собиқ эр-хотин ўртасидаги ҳисоб-китоб эмас, балки боланинг бугуни ва эртаси учун кафолат. Лекин бола учун энг кучли кафолат — ота-онанинг ўзи. Такдирлар кесишмаслиги мумкин, аммо боланинг таъминоти ота-оналик шаъни ва виждонидир.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



2025 йил “Агробанк” АТБ учун барқарор ўсиш, тизимли трансформация ва рақамли молиявий хизматларни жадал ривожлантириш даври бўлди. Маълумотларга кўра, банк активлари 103,6 триллион сўмга етиб, кредит қўйилмалар ҳажми 81,1 триллион сўмни ташкил этди. Ажратилган 42,2 триллион сўм кредитнинг ярмидан кўпи микро, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилди. Мижозлар сони миллионлаган рақамларда акс этмокда.

“Агробанк” АТБ Бош офисида банк бошқаруви, тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз юритилар экан, технология соҳасида ҳам катта қадамлар ташлангани таъкидланди. Янги ташкил этилган “Сунъий интеллект лойиҳа офиси” ва жорий этилаётган “Big Data” технологиялари орқали хизматлар

янада такомиллашаётгани айтиб ўтилди. Дейлик, фермерлар даласидаги ҳосил мониторинги анъанавий усулда эмас, балки космик суратлар ва дронлар ёрдамида масофадан туриб амалга оширилаётгани мисол қилиб келтирилди.

- Банкимиз 2025 йилда жисмоний шахсларга чакана кредитлар ажратиш бўйича ҳам етакчи бўлди, - дейди “Agrobank” АТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жамшид Тўрдиев. - Филиалларимизда чакана мижозларга кредит ажратиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилди. Натижада илгари офлайн тарзда чакана кредит олиш учун 3 кун кутилган бўлса, ҳозир бу амалиёт учун бор-йўғи 15 дақиқа кифоя қилмокда. Ипотека кредитини расмийлаштириш эса бир ҳафтадан бир кунга қискарди. Бундай тезкорликка эришиш учун банк “Кредит конвейери” тизими орқали мижоз ҳақидаги маълумотларни инсон омилсиз, автоматик тарзда олишни йўлга қўйди.

Бундан ташқари, 2025-2029 йилларга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилиб, “Мижозга йўналтирилган банк” концепцияси асосида “Kaizen” ёндашуви татбиқ

АГРОБАНК: МИЖОЗЛАР МАНФААТИ УСТУН

этилди. Ижтимоий лойиҳалар доирасида “Agrobooks” ташаббуси асосида сувдан оқилона фойдаланишга бағишланган 30 та методик қўлланмадан иборат “Сув китоби” тўплами нашр этилди ва фермерларга бепул тарқатилди.

Бугунги кунда банкнинг 170 та филиали, 38 та банк хизматлари маркази ва 154 та смарт офисларида аҳоли учун қўлай молиявий хизматлар кўрсатилмокда. Қолаверса, “маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида банкка бириктирилган 1 759 та маҳаллага 5,3 триллион сўм кредит ажратилиб, 501 минг нафардан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминланди.

Анжуманда “Agrobank” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Илёс Аманов қишлоқ хўжалиги соҳасини молиялаштириш банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканини қайд этди. Унинг таъкидлашича, 2025 йилда пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун жами 15 триллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилган.

Юридик мижозларга оммавий банк хизматларини масофадан кўрсатиш мақсадида янги “Agrozamin biznes” иловаси ва веб-платформаси ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич жорий этиш

ишлари бошланди. 2025 йилдан банкда “Agile” трансформация жараёнига ҳам старт берилди. Бундан асосий мақсад мижозлар талабларини доимий ўрганиш ва банк маҳсулотларини доимий такомиллаштириб боришдир.

Хўш, 2026 йил ушбу банк учун қандай ўзгариш ва ютуқлар йили бўлади?

Тадбирда айна йўналишдаги ишларга батафсил тўхталиб ўтилди. Хусусан, жорий йилда иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 56,2 триллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган. Бу 2025 йилга нисбатан қарийб 14 триллион сўмга кўп демакдир. Хорижий банклар ва молия институтларидан 600 миллион АҚШ доллари маблағ жалб қилиш, ҳудудий дастурлар доирасида 579 та лойиҳа учун 116,3 миллион доллар кредитни йўналтириш кўзда тутилмокда.

Банк олдида олий таълим муассасаларини тамомлаган 3,6 минг нафар битирувчини иш билан таъминлашга кўмаклашишдек муҳим мақсад ҳам турибди.

Қишлоқ хўжалиги бўйича ҳудудларда замонавий агрокомплекслар ташкил этиш лойиҳалари шакллантирилган. “Сувчилар мактаби” доирасида 141 та туманда 3,5 минг гектар



майдонда тежовчи технологияларга асосланган “Тажриба майдонлари” йўлга қўйилади.

Анжуманда журналистлар бугуннинг долзарб мавзуси – банк мижозларини киберхужумлардан ҳимоялаш масаласи юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан юзландилар. Банкнинг бошқарув раиси ўринбосарлари ва бошқа масъулар бу борада зарур чоралар кўрилгани ва киберхужумлардан ҳимоя тизимини изчил такомиллаштириш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот беришди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

МИННАТДОРЛИК

ОДАМЛАРГА УМИД ВА ИШОНЧ УЛАШИБ...



Мамлакатимизда сифатли ва замонавий тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш мақсадида сўнгги йилларда бюджетдан ажратилаётган маблағ бир неча карра оширилгани, натижада ҳудудлардаги шифохоналар моддий-техник жиҳатдан янгилангани, ташхис ва даволашда илғор технологиялар кенг қўлланилаётгани ҳар биримизни қувонтиради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳудудлардаги тиббий муассасаларда профилактика ҳамда ташхис қўйиш, даволаш ишлари мутлақо янги босқичга чиқмокда. Бирламчи тиббий хизматнинг давр талабларига мос равишда яхшиланиши ихтисослашган тиббиёт марказларига ва стационарларга мурожаатларнинг, тез тиббий ёрдамга ва сурункали касалликларга чақирикларнинг сезиларли камайишига олиб келиши маълум. Асосийси, бу жараёнда одамларда тиббий ислоҳотларнинг натижадорлигига ишонч туйғуси ортиб бораверади. Табиб табибмас,

бошдан ўтказган табиб, деганларидек, мен ҳам саломатлигимни тиклаш зарурати туфайли Тошкент шаҳридаги тиббий реабилитация клиник шифохонасига келиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришлар қай даражада самара бераётганининг гувоҳи бўлдим. Ушбу шифохона мисолида тиббий хизматларнинг замонавийлашаётганини, соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ўз билим ва малакасини оширишга, касбий бурчига садоқат билан ёндашишга интилиш ҳисси кучайиб бораётганини кўрдим.

Рости, шу ёшимга қадар турли давлатлардаги даволаш-профилактика муассасаларида бўлганман. Баъзан ҳавасим келиб, бизда ҳам шундай замонавий тиббий масканлар, шундай кучли мутахассислар кўпаярмикан, деган хаёллар ҳам ўтган. Энди эса ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон тиббиёти бугун жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера олади. 2025 йилнинг январь-ноябрь

ойларида 80 минг 600 дан зиёд чет эл фуқароси даволашни мақсадида юртимизга келгани бунинг исботи.

Индаллоси, Тошкент шаҳридаги тиббий реабилитация клиник шифохонасида ўтган кунларим халқ саломатлигини ишончли ҳимоялаш йўлида юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли дастурларнинг ҳаётий натижаси билан мени одам-юз этди. Бу ерда кизмаларни рози қилаётган, ўз касбининг ҳақиқий усталари бўлган тиббиёт ходимларини кўриб, қалбимда чуқур миннатдорлиқни ҳис қилдим.

Халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлаш мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бирига айлангани мана шундай яхши ўзгаришларга пойдевор бўлаётгани шубҳасиз.

Турдиқул МАМАНОВ,
ХДП фахрийси,
Дехқонобод тумани.

ТАДБИР

ОҚИБАТЛАР БИЛАН КУРАШИШДАН КЎРА ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркотиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони уюшган наркотиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш мақсадларини назарда тутати. Ушбу ҳужжат асосида “Гиёҳвандлик ва наркотиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури” тасдиқланиб, унга кўра 33 вазирлик ва идоралар ҳамда барча ҳокимликлар зиммасига аниқ вазифалар, тезкор-профилактик, ташкилий-тарбиявий, тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли амалга ошириш юклатилди.

Иккинчи минтақавий ҳудуд 3-сон тергов ҳибсхонасида Андижон вилоятидаги мактаб ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасаларининг талабалари иштирокида “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” мавзуйида учрашув ташкил этилди.

Гиёҳвандлик жаҳон жамоатчилигини хавотирга солаётган муҳдиш иллатлардан биридир. Охириги ўн йилликларда кўплаб мамлакатларда гиёҳвандлик воситалари

билан бирга психотроп ва психофаол моддаларни истеъмол қилувчиларнинг сони ҳам ошиб бормокда. Таассуфки, бундай нохуш ҳолат юртимиз ёшлар орасида ҳам кузатиляпти. Бу эса ёш оилаларнинг барбод бўлишига, болаларнинг тирик етим қолишига сабаб бўлаётган муаммолардан саналади.

Ташкил этилган давра суҳбатлари ва учрашувларда ҳибсхона масъул ходимлари мамлакатимизда бу жиноятга қарши курашиш бўйича белгиланган устувор вазифаларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятига алоҳида урғу бердилар. Давлат раҳбарининг юқорида келтирилган Фармони ижроси доирасида Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондида қарши жиноятлар” номили янги бўлим киритилиши, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини уюшган гуруҳ томонидан трансчегаравий усулларда ёки интернет тармоғидан фойдаланиб ўтказиш, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний муомалага киритишга ҳоқимият (мансаб) ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш ёки бундай жиноятлар фош бўлишининг олдини олиш мақсадида хабар бериш, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш каби қилмишлар учун 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи жиноий жавобгарлик жорий этилиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Психотроп ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ҳамда унинг тузатиб бўлмас оқибатлари хусусида ҳаётий мисоллар келтирилди. Тадбирда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг қисмати акс эттирилган “Сўнгги пушаймон” номили ҳамда ёшларнинг онгида она Ватанга муҳаббат, юртига садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида “Ота-она кадр” номили видеороликлар намойиш этилди.

Ҳасанбой ИСМАИЛОВ,
3-сон тергов ҳибсхонаси тарбиявий ишлар гуруҳи инспектори.



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 237. 2712 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.